Рўзиев Наврўз Ихтиёр ўғли

Тошкент Давлат Тиббиёт Университети ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси
Эргашева Садоқат Муродали қизи

Тошкент Тиббиёт Академияси «Педиатрия, стоматология, халқ табобати ва тиббий педагогика» факультети 203-Б гуруҳ талабаси

МАҲМУД КОШҒАРИЙНИНГ “ДЕВОНУ ЛУҒАТИ-Т-ТУРК” ТИББИЙ АТАМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДА САҚЛАНИШ ҲОЛАТИ

Туркий халқларнинг буюк алломаси Маҳмуд Кошғарий ўзининг “Девону луғати-т-турк” (Туркий сўзлар девони) (XI аср) асарида нафақат минглаб туркий сўз ва атамаларнинг арабча изоҳини келтирган, балки ўша даврдаги туркий элатларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, этник таркиби, шева ва лаҳжалари, умуман олганда, моддий ва маънавий маданиятига доир кўплаб маълумотларни ёзиб қолдирган. Айниқса, алломанинг туркий элатлар тиббиётига оид йиққан маълумотлари ўзининг кенг кўламлилиги билан ажралиб туради. Қизиғи шундаки, “Девону луғати-т-турк” (кейинги ўринларда “Девон” – *Н.Р.)*да учрайдиган тиббиётга оид сўз ва атамаларнинг катта бир қисми бугунги кунда ҳам кўпчилик туркий тилларда, шу жумладан, ўзбек тилида деярли ўзгармасдан сақланиб қолган.

“Девон”да соғлиқ тизими билан боғлик юзлаб сўз ва атамалар ўрин олган бўлиб, уларни бир неча туркумларга ажратиш мумкин. Жумладан, касалликлар ва уларнинг шифоси, муолажа усуллари, инсон саломатлиги ва соғлом турмуш тарзи, халқ табобатт, доривор гиёҳлар, амалай даволаш усуллари ва тиббий ускуналар каби. Қуйида биз “Девон”даги қадим ва ўрта асрларда туркий халқларда мавжуд юзлган соғлиқ тизимига оид маълумотларни уларнинг хусусиятларига қараб бир неча сарлавҳалар остида кўриб чиқамиз:

1. “Девон”даги касалликка оид сўзлар

Асарда учрайдиган касалликлар номи тил нуқтаи-назаридан таҳлил қилинганда туркий халқларнинг кўпчилигида ҳозирги кунда ҳам бу сўзларнинг мавжудлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Масалан, ўзбек тилида учраб, касаллик ҳолатини белгиловчи сўз сифатидаги “оғриқ” сўзи “Девон”да “ағриғ” кўринишида учрайди (Кошғарий, 1: 000). Шунингдек, инсон танасидаги турли хил гармонал ўзгаришлар, қон айланишининг бузилиши оқибатида танада пайдо бўладиган шиш “Девон”да умумий ном билан “сиш” ёки “без” номлари билан тилга олинади (Кошғарий, 1: 000). Шарқ халқларида паразит ҳашоратлар орқали инсонга ўтувчи безгак касаллиги асли ҳолатини ўзгартирмаган ҳолатда “безгäк” кўринишида учраши диққатни тортади (Кошғарий, 1: 000). Асарда “буқақ” касаллиги деб келтирилган сўз ўзбек тилида “буқоқ” кўринишида сақлангани, ушбу касаллик билан боғлиқ маълумотларни “Фарғонада ....” шаклида келтириб, алоҳида тўхталиб ўтгани (Кошғарий, 1: 000) ҳам диққатга сазовордир.

“Девон”да учрайдиган касаллик номларининг сезиларли бир қисми ўзбек тили ва шеваларида асарда қандай учраган бўлса шундай қўлланилишини қуйидаги жадвалда келтирилган мисоллар ҳам тасдиқлаб турибди (*қаранг.* 1-жадвал):

т/р	ДЛТдаги касалликнома	Ўзбек тилида	Изоҳи
1	Ағриғ	оғриқ, касаллик	
2	Без	Без	
3	Безгак	Безгак	
4	Буқақ	Буқоқ	Зоб
5	Букри	Букри	
6	Бўкан	Пўкон	Кўричак, апендист
7	иссиглик	иссиғи чиқмоқ	
8	Ик	ҳиқичоқ, ийқ	
9	сариғлиғ	Сариқ	
10	сизлағ	сизлавуқ	
11	Сил	Сил	Чимхўр
12	Сиш	Шиш	Опухоль
13	Сўгул	Сўгал	
14	темраку	темратки	
15	тирсгак	терскан, терскай, тирсак	
16	тумағу	Тумов	
17	Тутуғ	тутқаноқ, тутуқ	
18	тўлғағ	Тўлғоқ	
19	қизалмуқ	қизамиқ	
20	Чекак / чечак	Чечак	
21	чибқан	Чипқон	
22	Ўсал	Ўсал	
22	утук / ўтук	Ўтиш	Ич кетиш
23	Учқуқ	Учуқ	Тумов, шамоллаш

2. Соғлиқ тизими билан боғлик сўз ва атамалар

“Девон”да учрайдиган инсон саломатлиги билан боғлик сўз ва атамалар ҳам талай. Асли арабча “салим” сўзидан келиб чиққан ва ўзбек тилига ўзлашган “саломатлик” сўзи қадимги туркчада “сағ”, “сағлиғ” кўринишларида қўлланилган. Бугунги кунда ўзбекчада ҳам кенг қўлланилаётган “соғлиқ”, “соғлом” сўзлари аслида ушбу қадимги туркча сўз негизида шаклланган. Асарда бу сўз “сағ” кўринишида учраб, бугунги туркий тилларнинг деярли барчасида сақланиб қолган.

“Девон”да инсон саломатлиги ва даволаш билан боғлиқ қуйидагича сўзлар учраб, уларнинг кўпчилиги ўзбек тилида деярли ўзгаришларсиз қўлланилади (2-жадвал):

т/р	ДЛТдаги соғлиқ	Ўзбек тилидаги шакли	Изоҳи

	билан сўзлар		
1	атасағун	Табиб	
2	Эм	эм, даъво	
3	Эмчи	эмчи, табиб	
4	эсän	Эсон	
5	от (ўт)	дори, доривор ўт, гиёҳ	
6	отачи (ўтачи)	табиб, ўтарчи	
7	сағ	Соғ	
8	тиғрақ	тийрак, соғлом	

Хулоса

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғат-ит-турк” асари ёзилган давр – XI асрда Марказий Осиё ва унга қўшни Олтой, Дашти Қипчоқ, Кавказ, Шимолий Ҳиндистон, Хуросон, Эрон, Кичик Осиё ва Арабистоннинг катта бир қисмида асосан туркий сулолалар ҳукм суриб, бу давр дунё тарихчилигида турк-ислом даври деб ҳам аталади. Бу даврда Марказий Осиёнинг катта қисмида Қорахонийлар, Кичик Осиё, Яқин Шарқ, Эрон ва Кавказда Салжуқийлар, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистонда Ғазнавийлар, Дашти Қипчоқ ва Олтой бир қатор туркий хонадонлар ҳукмронлик қилиб, Маҳмуд Кошғарий ўз асарини шундай бир сиёсий муҳитда ёзган эди. бир қисми кўчманчи чорвадор ҳаёт тарзига, бир қисми эса ўтроқ деҳқон, ҳунарманд ва шаҳарликлардан иборат бўлган турк дунёсининг деярли барчасини кезиб чиқиб, улар орасида мавжуд маълумотларни тўплаган ушбу аллома ўз даврининг реал воқеликларини қоғозга туширган эди.

Туркий эл-улусларнинг ижтимоий-сиёсий, маиший ва маданий ҳаётига тегишли юзлаб сўзларни қамраб олган “Девон”дан маълум бўлишича, ўз даврининг энг илғор халқларидан бирига айланган туркийлар соғлом турмуш тарзига, табобатга, умуман олганда, соғлиқ тизимига катта эътибор қаратишган.

“Девон”да қарийб 200 га яқин халқ табобатига алоқадор сўз ва атамалар ўрин олиб, уларнинг сезиларли қисмини даволаш билан боғлиқ анъаналар, дори-дармонлар, шифобахш ўсимликлар, ҳайвон аъзолари, тош ва бошқа маъдан номлари ташкил этади. Шу билан бирга, ўша даврда туркий халқларда инсон саломатлигига катта эътибор қаратилгани “Девон”да келтирилган ўнлаб сўз ва иборалар, мақолларда ҳам ўз аксини топган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Кошғарий, Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону-луғот ит-турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов. 3 томлик. – Тошкент, Фан, 1960–1963.
2. Кошғарий, Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону-луғот ит-турк). Индекс – луғат. Ғ. Абдураҳмонов ва С. Муталлибовлар иштироки ва таҳрири остида. – Тошкент, Фан, 1967.
3. Кошғарий, Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону-луғоти-т-турк) / Тўлдирилган ва ислоҳ қилинган иккинчи нашри. Нашрга тайёрловчи Ҳ. Болтабоев, Б. Исабеков. 3 томлик. – Тошкент: Mo‘mtoz so‘z, 2016.

4. Кошғарий, Маҳмуд. Девону-луғати-т-турк (Туркий сўзлар девони) / Нашрга тайёрловчи Қ. Содиқов. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017.
5. ЎХШЛ – Ўзбек халқ шевалари луғати. Масъул муҳаррир Ш. Шоабдураҳмонов. – Т.: Фан, 1971.
6. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Нашрга тайёрловчи Қ. Каримов. – Т.: Фан, 1971.
7. Bayat A.H. *Dîvânu Lûgâti't-Türk*'te tıbbi terminoloji // Yeni Tıp Tarihi Araştırmaları. – Ankara, 2003. No. 9. – S. 103-122.
8. Çakmak C. Dîvânu Lugâtit-Türkte Vücut ve Organ Adları // I. Dîvânu Lugâti't-Türk Uluslararası Sosyal Araştırmalar Dergisi - The Journal Of International Social Research Cilt: 8 Sayı: 41 Volume: 8 Issue: 41 Aralık 2015.
9. Hauenschild I. Botanic im *Diwan lugat at-turk* // Journal of Turkology. Vol. 2, Num. 1, Summer 1994. – S. 25-100.
10. Masattaş A. *Dîvânu Lugâti't-Türk*'te Halk Hekimliği Büyüsel Ve Rasyonel Tedavi Yöntemleri //Uluslararası Türkçe Edebiyat Kültür Eğitim Dergisi, *9*(4). – Ankara, 2020. – S. 1348-1358.
11. Oturakçı N. Divanu Lugati't-Türk'tekibotanik terimlerinin Kazak ve Türkiye Türkçesindeki görünümleri // Karadeniz, 2016, 4, sayı 13. – S. 195-212.